

## 010-дарс. Қўф, кӑф ва ҳӑ ҳарфлари

20:13 / 18.04.2017 8067

1. Қўф, кӑф ва ҳӑ ҳарфлари
2. Қўф ундоши
3. Кӑф ундоши
4. Ҳӑ ундоши

### Таянч сўзлар ва атамалар

<b>Чуқур тил орқа</b>	<b>Юмшоқ танглай</b>	<b>Товуш пайчалари</b>
<b>Яқин тил орқа</b>	<b>Қаттиқ танглай</b>	<b>Ҳамс</b>

### Қўф, кӑф ва ҳӑ ҳарфлари

Қўф ҳарфи шаклан фӑ ҳарфига ўхшайди. Фақат ундан нуқтасининг жуфтлиги билан ҳамда ёлғиз ва сўз охирида келганида паст қисмининг чуқурроқлиги билан фарқланади.

Кӑф ҳарфи ёлғиз ва сўз охирида келганида лӑм ҳарфига ўхшаб кетади. Бироқ, унинг ўртасига кӑфнинг сўз бошидаги шаклининг кичрайтирилган сурати қўйилади. Бошқа ўринларда у устидаги ётиқ чизиқ билан ажраб туради.

Ҳӑ ҳарфининг хусусияти шундаки, унинг тўрт шакли бўлиб, сўздаги ўрнига кўра уларнинг бири билан ифода топади.

Бу дарсда ҳам биз ўтган дарсдаги каби ўзбек тилида ўхшашлари бор ундошлар билан танишамиз. Улар икки орқа тил ундоши ق, ва ك ҳамда ҳалқум ундоши ڭ товушларидир.

Биз шу жойгача бирма-бир ўрганиб чиққан нутқ товушларининг барчаси истифода товушлари эди. Ушбу дарсда биз илк бор истиъло ундошларидан бирининг – қ ундошининг талаффузини ўрганамиз.

Истиъло ундошларида тилнинг орқаси танглай томон кўтарилиб, нутқ аъзоларининг нисбатан таранглашиши ва бунинг натижасида товушнинг йўғонлик касб этиши бизларга маълум. Истиъло ундошларидаги мазкур ҳолатни ўз талаффузингизда тўғри акс эттиришингиз учун, уларнинг биринчисида яъни ушбу дарсда уни тўла ўзлаштиришга ҳаракат қилишингиз керак.



13. қ чуқур тил орқани юмшоқ (чуқур) танглайга қаттиқ уриш билан ҳосил қилинади.

Танбеҳ: Яъни у тил ва танглайнинг энг орқасидан, ичкарасидан айтилади. Бунда ҳаво оқими махражни ёриб ўтади, натижада товуш портлаб чиқади. қ ўзбек тилидаги «қ»дан кўра ичкарироқдан ҳамда йўғонроқ, кучлироқ ва жаранглироқ талаффуз қилинади. Уни ўз махражидан кўра олдироқдан ёки сирғалтириб бўш айтиш ярамайди. Уни талаффуз қилишда ва истиълосини адо этишда тилнинг ҳолатини ҳис этишга аҳамият беринг.

15-машқ.





## 17-машқ.

هـ هـ هـ

أهـ أهـ إهـ هـ هـ هـ هـ هـ هـ هـ هـ هـ هـ


هـ هـ هـ هـ هـ هـ هـ هـ هـ هـ هـ هـ

هـ هـ هـ هـ هـ هـ هـ هـ هـ هـ هـ هـ

هـ هـ هـ هـ هـ هـ هـ هـ هـ هـ هـ هـ

### Мулоҳазалар:

- Ҳамза ва ҳанинг талаффузида товуш пайчаларининг юқоридан кўриниши:



- Ундошлар ҳаракатланганида, яъни кетидан унли келганида нутқ аъзоларининг бир-биридан ажралиши, қочиши билан талаффуз этилади. Сокин бўлганларида эса, нутқ аъзоларининг ўзаро тўқнашуви, жипслашуви натижасида ҳосил бўлади. Шу боис айрим ундошларнинг сокин ҳолати учун алоҳида қоидалар мавжуд. Мисол учун, қофдаги қалқала, кафдаги ҳамсининг ижроси каби.

- Қалқала товушлари, жумладан, қофни сокин бўлганида агар қалқала қилинмаса, ундош тўлиқ ҳосил бўлмайди, натижада эшитилмай қолади.

- Ҳамс деб нутқ товушининг талаффузида ҳаво оқимининг бўғилмай, бардавом бўлишига айтилади. Бу сифат каф ундошида доимо мавжуд. Бироқ, у сокин бўлганида, ҳаракатлидагидан фарқли ўлароқ, ҳаво оқими

нутқ аъзоларининг тўқнашуви натижасида махражда димланиб қолади. Агар уни чиқариб юборилмаса, ҳамс ижро бўлмай қолади ва натижада товуш тўлиқ ҳосил бўлмайди.

- Ҳа ундошини айнан ўз махражидан чиқаётганини ҳис қила билиш муҳим. Бунинг учун уни ҳамза билан бирин-кетин айтиб машғулот қилиш мақсадга мувофиқдир.

### **18-топшириқ:**

- ق нинг махраж ва талаффузини айтиб беринг.
- ق билан ك нинг махражлари орасидаги фарқни сўзлаб беринг.

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

- ق қандай нутқ товушлари туркумига киради?
- ق нинг ўзбек тилидаги «қ»дан қандай фарқлари бор?
- ق даги истиъло ва қалқала сифатларини, ك даги ҳамс сифатини яхши ўзлаштирдингизми?
- ك нинг ўзбек тилидаги «к»дан қандай фарқи бор?
- ك қандай хусусиятга эга?
- ۋ қаердан ва қандай ҳосил қилинади?
- ۋ нинг талаффузида қандай хатолар кўп кузатилади?
- ۋ нинг ўзбек тилидаги «ҳ»дан нима фарқи бор?